

**Рустамов Жамшид Рамазонович**

TIQXMMI Milliy tadqiqot universitetining Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar instituti

## **РАҚАМЛИ ЕР ТУЗИШ - АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИННИ ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг берган маълумотларига қараганда, 2023 йил 1 январь холатига мамлакат бўйича қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар майдони 27148,5 минг гектарни ташкил этиб, унинг 22116,1 минг гектарини қишлоқ хўжалиги ер турлари, 3694,9 минг гектарини суғориладиган ерлар ташкил этади. Экин ерларининг жами 4016,1 минг гектарни, шундан суғориладиган экин ерларининг майдони 3247,9 минг гектарни, суғорилмайдиган (лалми) экин ерларининг майдони 768,2 минг гектарни ташкил этади [ 7].

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан, айниқса суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни яхшилаш, улар унумдорлигини доимий равища ошириб бориш мамлакатда озиқ овқат хавфсизлигини, аҳолини бундай маҳсулотлар билан барқарор таъминлашнинг муҳим шартидир. Аммо кейинги 25- 30 йил давомида бундай ерлардан фойдаланиш тартибини бузилиши, бундай майдонлардан фойдаланишни оқилона ва самарали ташкил этишга йўналтирилган ер тузиш ишларини етарли даражада олиб борилмаганлиги, ишлаб чиқилган ер тузиш лойиҳаларини амалга оширишдаги камчиликлар натижасида йиллар давомида суғориладиган экин майдонларининг катта қисми, хусусан 298,0 минг гектари асоссиз равища қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетган. Бу холат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17- июндаги ПФ -5742 -сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида, “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш Концепциясида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23- октябрдаги ПФ – 5853- сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида [2,3] алоҳида қайд қилинган ва бундай экин ерларини қишлоқ хўжалигига қайтариш, шунингдек ушбу давр мобайнида қўшимча 180,0 минг гектар лалми, ялов ва бўз ерларни ўзлаштириш, бу худудларни суғориладиган экин ерлари ва бошқа жадал равища фойдаланиладиган майдонларга айлантириш кўзда тутилган ҳамда бугунги кунда бу борадаги ишларни бажаришга киришилган.

Очиқ ойдин равшанки, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги учун бундай асоссиз айланмадан чиқиб кетган ерларни қайтариш каби имкониятдан фойдаланмасдан, бундай ерларни ресурс салоҳиятини баҳоламасдан, бундай қишлоқ хўжалиги ерларига бўлган мулкчилик муносабатларини расмийлаштирумасдан ва уларни худудий жиҳатдан тўғри ташкил этмасдан туриб иқтисодиётда маълум бир муваффақиятларга эришиш жуда мушкул. Шу сабабли ҳам ер тузиш давлатнинг аграр сиёсатини амалга оширишнинг бош, асосий механизми, қишлоқ хўжалигини рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили бўлиши ва иқтисодиёт тармоқларининг умумий тизимига мос келиши зарур.

Маълумки, ер тузиш қўйидаги асосий турларга бўлинади [1,4 ]:

- истиқболга мўлжалланган ер тузиш ишлари;
- лойиҳаолди ер тузиш ишлари;
- хўжаликлараро ер тузиш ишлари;

- хўжаликда ички ер тузиш ишлари.

Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳаолди ер тузиш ишлари туркумига қуидагилар киради:

- Республика ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш Бош режаси;
- Қорақолпогистон Республикаси ва вилоятлар ер сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш режалари;
- вилоят ва маъмурий туманлар ер тузиш чизмалари;
- тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ва ерлардан оқилона, самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ истиқболли режалар.

Хўжаликлараро ер тузиш тизимиға қуидагилар киради:

- Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар чегараларини белгилаш бўйича материалларни тайёрлаш;
- ерларнинг жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этган ҳолда ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси ижаравчилари, ва мулқдорларининг янги ер участкаларини ташкил этиш ҳамда мавжуд ер участкаларини тартибга солиш лойиҳаларини тузиш;
- янги ва (ёки) қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамдаташкилотларига ер бериш лойиҳаларини тузиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга бинолар, иншоотлар қуриш ва бошқа эҳтиёжлар учунерларни бериш бўйича материалларни тайёрлаш;
- ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари қарорларига асосан берилган еручасткаларининг чегараларини жойнинг ўзида кўрсатиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга ширикоидан далолатнома расмийлаштириш;
- муҳофазақилинадиган муҳандислик коммуникациялари ва объектлари атрофидамуҳофаз азоналарини белгилаш;
- ерларни қишлоқ хўжалигида суғориб фойдаланиш учун ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларининг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тикилаш ва ошириш, бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, кўчкilarдан, сув босишдан, захлашдан, қакраб қолищдан, заранглашишдан, ишлабчиқариш чиқиндилари, радиоактив ҳамда кимёвий моддалар билан ифлосланишдан химоя қилиш бўйича ишчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- барча ерларни рўйхатга олиш ҳамда хатловдан ўтказиш орқали фойдаланилмаётган, самарасиз фойдаланилаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни доимийаниқлаб бориш;


Хўжалик ичидаги ер тузиш тури қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, муассасаларининг ваташкилотларининг ҳудудини хўжалик негизида белгилаб олишни, илмий асосланган алмашлабэкишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (экинлар, боғлар, токзорлар, яловлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши қурашиб тадбирларини ишлабчиқиши, мева ва ўрмон дарахтзорларини барпо этиш мақсадида тоғ ёнбағирларида террасалар (супалар) қуришни, тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш ва сақлаш бўйича лойиҳалар

ишлиб чиқиши, шунингдек, сугориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишни ўз ичигаолади.

Дарҳақиқат, ер тузиш ишлари турларининг ранг баранглиги, катта миқдорлардаги ахборотларни қайта ишлаш ва бир тизимга келтириш зарурлиги, ер тузиш чизмалари ва лойиҳаларини ишлиб чиқишининг мураккаблиги ҳамда кўпвариантлилиги, қишлоқ хўжалигини кўп тармоқлилиги ва ишлиб чиқаришнинг ранг баранглик характеристи рақамли ер тузиш технологияларини қўллашни талаб қиласди ва бу холат ер тузишнинг умумий кўринишини тубдан ўзгартириб юборади. Иккинчи томондан, иқтисодиёт тармоқларини бугунги жадал ривожланиши, рақамли технологияларни кундаклик турмушга шахдам кириб келаётганлиги, Ўзбекистон Республикасида ҳам рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати ер тузиш ишларини ҳам рақамли тарзда бажаришнинг илмий-методологик масалаларини тадқиқ қилиш ва натижаларини янги типдаги ер тузишга сафарбар қилиш заруриятини туғдирмоқда. Бундай шароитда ер тузвучи мухандис энди оддий ерларни чегараловчи мухандисдан катта миқдорлардаги геоахборот массивларини олиш, қайта ишлаш ва бошқариш имкониятларига эга бўлган мухандис-геоматикка айланади [5,6 ].

Юқоридаги мақсадга эришиш, энг аввало, Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан рақамли ер тузишнинг бош ахборотли ресурси бўладиган “Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар тўғрисидаги республика Ягона ахборотлар тизимини яратиш ва ишга тушириш заруриятини туғдиради. Бундай тизимнинг умумий кўриниши қўйидаги, 1-чизмада акс эттирилган.

Эътироф этиш зарурки, бундай тизим ушбу вазирлик тасарруфидаги илмий лойиҳалаш ташкилотлари томонидан яратилмоқда ва маълум натижалар олинмоқда. Албатта, ушбу тизимни тўлиқ ва сифатли яратилиши ер тузиш ишларини рақамли тарзда олиб боришга имконият яратади. Бундай ер тузиш ишлари ва уларни ўтказиш натижасида юзага келадиган ер тузиш хужжатларининг таркиби қўйидагича бўлиши аниқланган ( 2-чизма).



Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, республика даражасидаги ҳеч бир вазирлик ва идоралар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан яратилаётган ер- ахборот ресурсларига ўхшаш ресурсга эга эмас. Бундай тизимни тўла яратилиши ва ишга туширилиши Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тасарруфидаги идораларга қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларда олиб борилаётган ер мониторинги натижасида бундай ерлар тўғрисида олинаётган ахборотларни тезкорлигини, долзарблигини ва ҳаққонийлигини таъминлайди. Айнан ушбу тизим доирасида қишлоқ хўжалиги ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, ерларни, мелиоратив тизимлар ва гидротехник иншоатларни ҳисобини юритиш, ерларнинг холати ва улардан фойдаланишни тизимли равища кузатиб бориш, манфаатдор идоралар ва шахсларни қишлоқ хўжалиги ерлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш мумкин бўлади.

Яратилаётган тизим қўйидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган:

қишлоқ хўжалиги ер турлари ва экинларининг чегаралари ва майдонларитўғрисидаги маълумотлар;

ердан фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотлар;

тупроқлар унумдорликлари кўрсаткичлари;

мелиоратив тизимлар ва гидротехник иншоатлар тўғрисидаги маълумотлар;

юз бериши мумкин бўладиган салбий жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар.

Аммо ер ресурсларини, хусусан қишлоқ хўжалиги ерларини бугунги замон талаблари даражасида, самарали бошқариш тизимини шакллантириш учун бундай ахборотлар базаси доимо ҳам етарли бўлавермайди. Шу сабабли ҳам олиб борилган узоқ тадқиқотлар натижаларига таянган холда наинки ерларнинг холатини ўрганиш ва уларнинг алоҳида кўрсаткичларини ва ишлаб чиқаришни башоратлашга, балки шу билан бир қаторда муҳим қишлоқ хўжалиги масалаларини ҳал қилган холда ер ресурсларини бошқаришга имкон берадиган ер тузишнинг мажмуали лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича янги технологияни таклиф қиласиз. Унинг асосини қўйидагилар ташкил этади [ 6]:

асосиз равища қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетган экин ерларини аниқлаш ва уларни қайтариш;

алоҳида қимматга эга маҳсулдор қишлоқ хўжалиги ер турларининг реестрини тузиш;

худудларни минтақалаш асосида қишлоқ хўжалиги регламентларини ишлаб чиқиш;

худудларни ландшафтлилигини эътиборга оладиган маҳсус, ландшафтли ер тузиш лойиҳаларини ишлашни йўлга қўйиш.

Айнан бугунги кунда сугориладиган экин ерларини қишлоқ хўжалигига қайтариш қишлоқ хўжалиги соҳасини кейинги ривожланишида муҳим амалий аҳамият касб этади, негаки бундай ерлар янги ерларни ўзлаштириш каби катта сарф харажатлар талаф қилмайди. Аммо қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетган ерлар ҳам маълум вақт фойдаланилмасдан ётганлиги сабабли баъзи бир салбий жараёнларга учраган бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам бундай ер участкаларини туман кесимида умумий майдонларини

аниқлаш ҳамда иқтисодий мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиб босқичма - босқич қишлоқ хўжалигига қайтариш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Юқоридаги масалаларни ижобий ҳал қилиш, албатта, махсус дастурий таъминотни ва катта массивлардаги ер- кенглик ахборотларини қайта ишлашга имкон берадиган янги типдаги геодезик тахеометрлар, ер устида ва фазодаги маълум жойда базалаштирилган лазерли сканерлар, мультиспектрал тасвирга олиш аппаратлари билан жиҳозланган учувчисиз автоматлавшганучиши қурилмалари, фазовий мониторинг маълумотларини, шунингдек ер тузишни он –лайн лойиҳалашнинг автоматлашган тизимларини талаб қиласди.

Рақамли тизимнинг асосий бўғинларидан бири –бу ҳар бир худудга мослашган – ландшафтли ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқишидир. Бундай ер тузиш лойиҳалари дехқончилик тизимини (қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш технологиялари, ўғитлар, ерларни мелиорациялаш, сугориш, зуинларни ҳимоялаш, ургучилик тизимлари, қишлоқ хўжалик машиналари тизими) ерга боғлашга ҳамда шунинг ҳисобига ундан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишга имкон беради.

Умуман, рақамли ер тузиш технологиясини республикамида ҳам қўллаш қўйидаги масалаларни ижобий ҳал қилишга имкон беради:

1. Республика, вилоят ва маъмурий туман даражаларида агросаноат ерларидан фойдаланишни режалаштириш функциясини амалга ошириш. Бундай тажрибалар Европа Иттифоқи давлатларида, АҚШ, Хитойда мавжуддир.

2. Ер тузиш лойиҳалари таркибида қишлоқ хўжалиги регламентларини, деградация жараёнларидан ерларни муҳофаза қилиш бўйича ва тупроқлар унумдорлигини қайта тиклаш, ерладан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

3. Мамлакат агросаноатида ер-мулкчилигини шакллантириш, бу жараёнларни ташкилий ва технологик жиҳатлардан амалга оширилишини ниҳоясига етказиши.

4. Қишлоқ хўжалиги ерларини сув фонди, ўрмон фонди, аҳоли пунктлари ва бошқа ерлардан тўлиқ ажратиб олинишини таъминлаш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётига рақамли технологияларни тўла қўлланилишини йўлга қўйиш, албатта, бунинг учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифасини қўяди. Бунинг учун соҳада фаолият юритаётган ёш мутахассисларни ушбу технологияларни эгаллашлари учун малакасини ошириш ишларини ташкил этиш, 2022 – 2023 ўқув йилидан ташкил этилаётган “IT-технологиялар” институтида ёш кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Юқорида олиб борилган тадқиқотлар асосида қўйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

рақамли ер тузиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш учун Қишлоқ хўжалик вазирлигининг “Ердан фойдаланиш ва ер тузиш” бошқармаси тасарруфида махсус “Рақамли ер тузиш” бўлими ташкил этиш ва уни малакали мутахассислар ҳамда зарурий моддий техник база билан таъминлаш зарур бўлади;

рақамли ердан фойдаланиш ва ер тузиш тизимини яратиш тамойиллари ва услугубарини ўзида мужассамлаштирган янги таҳирдаги “Ер тузиш тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқиш ва қобул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади;

Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва “Ўздаверлойиха” илмий лойиҳалаш институтининг илмий тадқиқотлар режасига, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган холда , “Рақамли ер тузишнинг илмий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш ва ер тузиш амалиётига жорий этиш”га доир маҳсус илмий тадқиқот мавзусини киритиш ва 2022 йилнинг иккинчи ярминдан бошлаб бу ишни бажаришга киришиш зарур, деб хисоблаймиз;

рақамли ердан фойдаланиш ва ер тузиш соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш, улар малакасини ошириб бориш ишини кечиктиրмасдан йўлга кўйиш керак.

Умуман юқоридагилар асосида қисқача хулоса қилиш мумкинки, рақамли ер тузишга ўтиш-давр талаби. Шундай экан, агросаноат тизимини, хусусан унинг асосий бўғинларидан бири бўлган ердан фойдаланиш ва ер тузишни рақамлаштириш соҳага бириктирилган ер майдонларидан фойдаланишни оқилона ҳамда самарали ташкил этишда, агросаноат мажмуасини илмий-технологик жиҳатдан ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Тошкент, Адолат, 2022
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17- июндаги ПФ -5742 сонли “Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2019,Lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23- октябрдаги ПФ- 5853 сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, 2019,Lex.uz
4. Авезбоев С.А., Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. Тошкент, Янги аср авлоди, 2004
5. Волков С.Н. Современное состояние земельных отношений, землепользования и землеустройства в Российской Федерации и научное обеспечение основных направлений их регулирования в АПК. М.,ГУЗ, 2017
6. Основные направления использования земель сельскохозяйственного назначения в Российской Федерации на перспективу. Под ред. Академика РАН С.Н.Волкова. М., ГУЗ, 2018
7. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг холати тўғрисида Миллий ҳисобот. Тошкент, Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, 2022